

2 – масала

“Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йилнинг 12 майдаги “Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида”ги 4/4-сонли Ҳайъат Қарорининг ижроси бўйича институтда маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, молиявий хатоликларни олдини олиш борасида олиб борилаётган чора тадбирлар ҳақида”ги масала юзасидан Институт Кенгашининг 2015 йил 28 май 9/1 сонли қарори

Институт Кенгаши “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йилнинг 12 майдаги “Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида”ги 4/4-сонли Ҳайъат Қарорининг ижроси бўйича институтда маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, молиявий хатоликларни олдини олиш борасида олиб борилаётган чора тадбирлар ҳақида”ги масала юзасидан Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Қ.Абдусаматов**нинг ахборотини тинглаб, ҳамда муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Тергов бошқармасининг 2015 йил 24-апрелдаги “Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида”ги 3/2813 сон Тақдимномасига кўра 2013 йил январ ойидан ҳозирги кунга қадар Тошкент молия институтида молиявий – иқтисодий ишлар бўйича проректор лавозимида ишловчи Қурбанбаев Журабек Эрувбоевич, мансабдор шахс бўла туриб, ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21-ноябр кундаги 456-сонли “Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори талабларига зид равишда 178482665 сўм миқдордаг пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан давлат манфъатларига зарар келтирган. (Компьютерлар сотиб олишда нархлар ўзгартириб келтирилган натижасида).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2015 йил 18 апрелдаги 15/2-15-сонли Тақдимномасида келтирилган қонун бузилиши ҳолатларининг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш чора - тадбирлари бўйича институтда қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- Режа – молия бўлими томонидан институтда ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда (лавозимда) ишловчи ходимларнинг рўйхати тақдим этилиб, бош ҳисобчи ўринбосари – аудитор Ф.Мухтаров томонидан ўрганилиб чиқиб хулосалар берилган.
- Институтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 апрелда бош вазир раҳбарлигида ўтказилган 1-сон мажлис баёни 2015 йил 1-майдаги 07/1-5800-сонли топшириғини бажариш учун институт ректорининг 15.05.2015 йилдаги 127-у-сонли буйруғи чиқарилган.
- 2014 йилда 18 ташкилот ва жисмоний шахслар билан ижара шартномаси тузилган. Ижарага берилган умумий майдони 1850 м² га тенг. Ижара шартномалари 3 томонлама, яъни давлат мулкни ижарага бериш қўмитаси, ижарага олувчи ва институт иштирокида тузилган. Ижарага берилган майдонлар 2015 йил январ ойида бухгалтерия ва институтнинг муҳандислари томонидан қайта ўлчовдан ўтказилди. Ўлчов натижасида фарқ аниқланмади. Ижара тўловлари ва ижарачилар томонидан сарфланаётган коммунал хизматлар ҳақи ундириб олинмоқда.
- Ҳар йили қора ва рангли металл чиқиндиси ҳамда мақалатура топшириш йиллик режалари бажариб келинмоқда. Топширилган чиқиндилар учун пул маблағлари қисман пул ва товар кўринишида олинган. 2015 йил учун ҳали ундирилмаган.
- Ҳар йили октябр-декабр ойларида институтда моддий қийматликлар инвентаризациядан ўтказилади. Инвентаризация натижалари муҳокама қилиниб моддий жавобгар шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.
- Институтда иш ҳақини ҳисоблашда табел тизими йўлга қўйилган.
- Институтда 2014 йилда амалга оширилган капитал таъмирлаш ишлари бўйича инжиниринг компанияси иштирокида қайта ўлчовдан ўтказилди. Аниқланган камчиликлар пудратчи ташкилотлар томонидан бартараф этилди.

Мавжуд камчиликлар:

- Институтда табелларни кеч топшириш, нотўғри тўлдиришлар ёки умуман топширмаслик ҳолатлари бўлмоқда.
 - Ижарачилардан фойдаланилган коммунал тўловлари бўйича ундирилмаган қарздорликлар мавжуд.
 - Талабалар турар жойида яшаш пуллик бўлиб, бугунги кунда яшовчи талабалардан:
 - 2013 – 14 ўқув йили учун 5016600 сўм
 - 2014-2015 ўқув йили учун 31067500 сўм қарздорлик мавжуд.
 - 1031 тартиб бўйича иш ҳақидан ушланиб коммунал тўловлар учун ўтказиладиган маблағлардан иш ҳақидан ушланмасдан ўтказилган маблағлар мавжуд.
- Ушбу юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда камчиликларни эътиборга олган ҳолда,

Институт Кенгаши қарор қилади:

“Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йилнинг 12 майидаги “Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида”ги 4/4-сонли Ҳайъат Қарорининг ижроси бўйича институтда маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, молиявий хатоликларни олдини олиш борасида олиб борилаётган чора тадбирлар ҳақида”ги масала юзасидан Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Қ.Абдусаматов**нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

1. Ушбу ҳайъат қарори барча кафедраларда ва факультетларнинг навбатдаги кенгашларида атрофлича муҳокама қилинсин ва чора тадбирлар ишлаб чиқилсин. **Маъсуллар:** факультет деканлари ва кафедра мудирлари.
2. Бир ҳафта муддат ичида камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилсин ва унинг амалга оширилиши таъминлансин. **Маъсуллар:** Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Абдусаматов**.
3. Институтда амалга оширилган капитал таъмирлаш ишлари бўйича Инжиниринг компанияси иштирокида қайта ўлчовдан ўтказилсин ва пудратчи ташкилотлар қилган хатолар ва камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилсин. **Маъсуллар:** Бош муҳандис **Н.Имамов**. **Муддат:** 10 кун.
4. Молиявий тартиб бузарликларни олдини олиш мақсадида бир ой муддатда институтда ички аудит ташкил этилиб натижаси бўйича Вазирликга маълумот тақдим қилиб борилсин. **Маъсуллар:** Бош ҳисобчи ўринбосари – аудитор **Ф.Мухтаров**.
5. Институтнинг Ахборот–ресурс маркази фондини тўлдириш учун харид этилган китоб ва журналларнинг тўғри кириш қилинганлиги текширувдан ўтказилсин. **Маъсуллар:** Институт АРМ директори **Д.Маматқулова**. **муддат:** 15 кун.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Қ.Абдусаматов** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

3 – масала

“Институтда ҳуқуқбузарлик, диний экстремизм, одам савдоси, гиёҳвандликка қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан Институт Кенгашининг 2015 йил 28 май 9/2 сонли қарори

Институт Кенгаши “Институтда ҳуқуқбузарлик, диний экстремизм, одам савдоси, гиёҳвандликка қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор **Ғ.Х.Яхшибоевнинг** ахборотини тинглаб, ҳамда муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Институтда халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик, одам савдосига қарши кураш ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш борасидаги амалга оширилаётган ишлар Вазирликнинг меъёрий ҳужжатлари, фармойишлари, кўрсатмалари, тавсиялари ва улар асосида тузилган маънавият ва маърифат бўлимининг махсус режаси асосида олиб борилмоқда.

Институт талабаларининг дарс машғулотида иштирок этишлари кунлик ва ҳафталик мониторинги ўтказиш асосида факультетлар деканлари, декан муовинлари ва инспектори томонидан доимий назорат қилиниб борилмоқда. Ҳар ҳафта қолдирилган соатлар умумлаштирилиб, таҳлил қилинмоқда. Ҳафтанинг душанба кунлари гуруҳ мураббийлари ва сардорлар иштирокида муҳокама қилиниб, кўп дарс қолдирган талабаларнинг дарс қолдириш сабаблари аниқланиб, тегишли чоралар кўриб борилмоқда.

Институтда огоҳлик муҳитини яратиш мақсадида *“Талабаларнинг қонунбузарлик ва экстремистик фаолиятига аралашиб қолишнинг олдини олишда институтнинг ўрни”, “Миссионерлик нима ва уларнинг мақсади нима?”, “Огоҳлик мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилдир”, “Жамиятдаги барқарорлик- Ўзбекистонни янада ривожлантириш кафолати”, “Мустақиллик-бизнинг борлиғимиз, шону-шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир”, “Ёшларимизга четдан бўлаётган ғоявий таҳдидлар ва уларнинг оқибатлари”* мавзусида талабалар ўртасида **тадбирлар ўтказилиниб келинмоқда.**

Институтда халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик, одам савдосига қарши курашни олдини олиш Самарқанд вилоят ИИБ жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси, Самарқанд вилоят ИИБ одам савдосига қарши курашиш бўлими, Самарқанд вилоят ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими, “Соғлом авлод” жамғармаси, вилоят ёшлар ва ўсмирлар диспансери, вилоят наркодиспансери, СПИД маркази, 1-туғриқ комплекси врачлари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Маънавият ва маърифат бўлими томонидан шу кунгача муҳокама этилаётган масала бўйича **37 та тадбир ўтказилган.**

“Ахборот соатлари”да талабаларга халқаро терроризм, диний экстремизмнинг мазмун-моҳияти, одам савдосининг мудҳиш оқибатлари тўғрисида, гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари ҳақида тушунчалар бериб борилмоқда.

Профессор-ўқитувчи ва талабалар ўртасида тизимли олиб борилган маънавий-маърифий ишлар натижасида Самарқанд шаҳар 3-сон ИИБ 03.03.2015 йил №59/113-сонли хатига кўра 2012-йилдан шу кунга қадар институт профессор-ўқитувчи ва талабалари ўртасида **ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари содир этилмаган.**

Ушбу юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда камчиликларни эътиборга олган ҳолда,

Институт Кенгаши қарор қилади:

“Институтда ҳуқуқбузарлик, диний экстремизм, одам савдоси, гиёҳвандликка қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор **Ғ.Х.Яхшибоевнинг** ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

1. Институтда талабаларнинг дарс машғулотида иштирок этиши устидан назорат кучайтирилсин, ҳар ҳафталик қолдирилган соатлар умумлаштирилиб, таҳлил қилинсин, ҳафтанинг душанба кунлари гуруҳ мураббийлари ва сардорлар иштирокида

муҳокама қилиниб, кўп дарс қолдирган талабаларнинг дарс қолдириш сабаблари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилсин. **Масъуллар:** факультет деканлари ва гуруҳ мураббийлари.

2. Ижарада яшовчи талабалар билан мунтазам алоқада бўлиш, уларнинг турмуш шaroитларини доимий ўрганиб бориш ва бўш вақтларини самарали ташкил этиш таъминлансин. **Масъуллар:** факультет деканлари ва гуруҳ мураббийлари. **Муддати:** доимий.
3. Талабалар ўртасида халқаро терроризм, диний экстремизмнинг мазмун-моҳияти, одам савдоси ва гиёҳвандликнинг мудҳиш оқибатларига бағишланган тадбирлар вилоят ва шаҳар ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан ҳамкорликда изчил амалга оширилсин. **Масъуллар:** маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи **Т.С.Эгамов** ва ижтимоий-гуманитар кафедра ўқитувчилари. **Муддати:** махсус режа асосида.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор **Ғ.Х.Яхшибоев** зиммасига юклатилсин.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

4 – масала

“Магистратура бўлимида ўқув жараёнининг ташкил этилганлиги ва магистрлик диссертацияларининг ҳимояга тайёргарлиги ҳолати ҳақида”ги масала юзасидан Институт Кенгашининг 2015 йил 28 май 10/2 сонли қарори

Институт Кенгаши “Магистратура бўлимида ўқув жараёнининг ташкил этилганлиги ва магистрлик диссертацияларининг ҳимояга тайёргарлиги ҳолати ҳақида”ги масала юзасидан Магистратура бўлими бошлиғи **Ў.А.Мухаммадиев**нинг маърузасини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Ҳозирги пайтда I-курсда 61та, II-курсда 60та жами 121та талаба таълим олмоқда. Магистратуранинг ўқув жараёни меъёрий ҳужжатлари (ДТС, НУР, НФД) ва жалб этилган профессор-ўқитувчилар таркиби, дарс жадвали, жорий ўқув йили графиги ва тасдиқланган ўқув режаларининг мавжудлиги, академик гуруҳ журналларининг талаб даражасида расмийлаштирилиши, фан дастурларининг мавжудлиги, диссертацияларнинг бажарилиш ҳолати, кафедра профессор ўқитувчилари томонидан электрон модул яратилиши ва магистрантларнинг мақолалар ва тезислар чоп этиши ҳамда мониторинг натижалари таҳлил қилинди.

Магистратура таълимини ривожлантириш ва илмий тадқиқот ишларини ҳамда магистрлик диссертацияларини сифатини ошириш бўйича бир қатор ишлар бажарилиши зарур. Жумладан, магистрантлар томонидан профессионал этика қоидаларини бузилишига йўл қўйилмаслиги учун уларнинг диссертацияларини “антиплагиат” дастуридан ўтказиш, профессионал этика қоидалари бузилган ҳолатлар аниқланганда магистрантни **диссертация ҳимоясидан четлаштириш**, магистрантларга таълим берувчи профессор-ўқитувчиларнинг **хорижий тилларни** билишига ва **ахборот технологиялари** воситаларидан бемалол фойдалана олишга асосий эътиборни қаратиш, магистрлик диссертациясининг сифатини ва магистрантнинг ҳамда илмий раҳбарнинг масъулиятини ошириш мақсадида ички ва ташқи тақризга йўлланма беришни илмий ишлар проректори ваколатига киритиш лозим.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Институт Кенгаши қарор қилади

1. “Магистратура бўлимида ўқув жараёнининг ташкил этилганлиги ва магистрлик диссертацияларининг ҳимояга тайёргарлиги ҳолати ҳақида”ги масала юзасидан Магистратура бўлими бошлиғи **Ў.А.Мухаммадиев**нинг маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.
2. Институт ректорининг 07.04.2015 йилдаги 081-у-сонли буйруғи билан магистратурада таълим жараёнини ташкил этиш сифатини таъминлаш ва магистрантлар фаолияти бўйича 2015 йилнинг 12-15 май кунлари ўтказилган мониторинг натижалари маъқуллансин.
3. Магистрантларнинг кафедрада ҳисобот бериш жадвалининг мавжуд эмаслиги учун “Архитектуравий лойиҳалаш”, “Бино ва иншоотлар”, “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш”, ҳамда “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” кафедралари фаолиятига танқидий баҳо берилсин ва келгусида бу каби камчиликларга йўл қўйилмасин. **Маъсуллар:** Кафедра мудирлари.
4. Магистрлар тайёрловчи таянч кафедраларда илмий семинарлар фаолияти ташкил этилсин. **Маъсуллар:** Магистрлар тайёрловчи кафедра мудирлари ва илмий маслаҳатчилар. **Муддати:** Доимий.
5. Келгусида хорижий тилларда илмий мақолалар тайёрлаш, магистрлик диссертацияларини хорижий тилларда ҳимоя қилинишини йўлга қўйиш мақсадида институт магистрантлари “Чет тиллар” кафедрасида ташкил этилган Polyglot ўқув курсига жалб этилсин. **Маъсуллар:** Магистратура бўлими бошлиғи ва “Чет тиллар” кафедраси мудирлари. **Муддати:** Доимий.
6. 2015-2016 ўқув йили магистратура мутахассислигига бўладиган қабул жараёнини конкурс ва рақобат асосида ўтказиш мақсадида бакалаврият битирувчилари магистратурага кенг кўламда жалб этилсин. **Маъсуллар:** мутахассис тайёрловчи кафедралар мудирлари.

7. Магистрлик диссертацияларининг сифатини ва магистрантларнинг ҳамда илмий раҳбарларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида ички ва ташқи тақризга йўлланма бериш илмий ишлар проректори ваколатига киритилсин.
8. Ушбу қарор ижросининг назорати илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков** зиммасига юклатилсин.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

5 – масала

“Институтнинг хорижий мамлакатлар ОТМлари билан ҳамкорликдаги алмашинув дастурлари ва қўшма лойиҳалар танловларида иштироки ҳақида”ги масала юзасидан Институт Кенгашининг 2015 йил 28 майдаги ахбороти

Институт Кенгаши “Институтнинг хорижий мамлакатлар ОТМлари билан ҳамкорликдаги алмашинув дастурлари ва қўшма лойиҳалар танловларида иштироки ҳақида”ги масала юзасидан Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи **Д.М.Мамараимов**нинг ахборотини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Институтнинг халқаро алоқалар бўлими Европа иттифоқининг **ТЕМПУС** дастури доирасида “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимида магистрлар учун атроф муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланишнинг сув ресурсларини бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш магистрлик дастурини ишлаб чиқиш” мавзусидаги грантни қўлга киритганлиги, мазкур қўшма лойиҳа доирасида институт профессор-ўқитувчиларидан **11 нафари** Европа иттифоқига хизмат сафарларини амалга оширгани, институтда **2013 йилнинг 21-22 октябрь** кунлари мазкур қўшма лойиҳа доирасида **Миллий ва ўқув маркази** ташкил этилганлиги ва лойиҳа бюджетидан марказга керакли компьютер жиҳозлари сотиб олинганлиги ҳақида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, UZWATER қўшма лойиҳаси дастури бўйича Самарқанд ОТМларида 2014 йил 2-4 сентябр кунлари “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши” факультети магистрларига экология ва сув муоммолари бўйича инглиз тилида маърузалар ўқишди ва семинар трейнинг ўтказишди.

2013 йил институтнинг “Геотехника ва автомобил йўллари” кафедраси **ТЕМПУС** дастурининг “**Автомагистраллар қурилиши ва транспорт машинасозлиги бўйича магистрлик ўқув дастурларини ишлаб чиқиш**” лойиҳаси танловида қатнашди ва ғолиб бўлди. Ушбу грант лойиҳаси доирасида 2014 йил 28 феврал куни СамДАҚИда Ўзбекистонлик ҳамкор ОТМлар координаторларининг дастлабки семинари бўлиб ўтди. Семинарда дастурнинг мақсад ва вазифалари муҳокама қилиниб, ишчи режалари ишлаб чиқилди.

Институтнинг “Сув таъминоти, канализация ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш” кафедраси доценти Аброр Гадаев томонидан Швециянинг **Линей-Пальме** (Linnaeus-Palme) дастури бўйича Қироллик Технология институти билан ҳамкорликда профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви бўйича грант лойиҳасини қўлга киритди ва алмашинувлар 2015 йил давомида амалга оширилиши режалаштирилган.

Институтда фаолият олиб бораётган ёш илмий педагог ходимлар ва талабалар ҳам хорижий танловларда муносиб иштирок этиб келишмоқда. Жумладан, Институт битрувчиси **Гиясов Умеджон** Россия Москва давлат қурилиш университетида Менежмент мутахасислиги бўйича магистратурада таҳсил олмоқда, институт Халқаро алоқалар бўлими ходими **Аликулов Бобир** Хитой Халқ Республикасининг Харбин муҳандислик университетида 10 ойлик стажировка ўтамоқда ва “Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси кабинет мудирини **Сафаров Анвар** Хитой Халқ Республикасининг Жанубишарқ университетида Архитектура мутахасислиги бўйича магистратурада таҳсил олмоқда.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

Ҳар хил масалалар.

Кун тартибдаги ҳар хил масалалар бўйича сўз институт Кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматов**га берилди.

I. Монографияни чоп этишга тавсия бериш ҳақида.

Эшитилди:

“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси доценти в.б. **Н.В.Дробченко** томонидан тайёрланган **“История становления и пути развития ландшафтной архитектуры в Узбекистане”** номли монографиясини нашрга тавсия бериш ҳақида институт Кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматов**нинг ахбороти тингланди.

Ушбу монографияга ТАҚИ порфессори **А.М.Салимов** ва СамДАҚИ доценти в.б., арх.ф.н. **Д.З.Камалов**лар тақриз беришган

Институт Кенгаши қарор қилди:

“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси доценти в.б. **Н.В.Дробченко** томонидан тайёрланган **“История становления и пути развития ландшафтной архитектуры в Узбекистане”** номли монографияси нашрга тавсия берилсин.

II. 5111000-Касб таълими (5110800-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси) таълим йўналишининг ўқув режаси ҳақида.

Эшитилди:

Ушбу масала бўйича ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** сўзга чиқиб, **5111000-Касб таълими (5110800-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси)** таълим йўналишининг Давлат таълим стандарти ва ўқув режасининг лойихаси мазкур таълим йўналиши бўйича таянч олийгоҳ ҳисобланган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилиб, ўқув йили бошида тасдиқлаш учун берилганлиги ҳақида гапириб, ҳозирги кунда ушбу лойиҳа асосида бакалавр йўналишида таҳсил олаётган 1-курс талабалари ўқитилаётганлиги ҳамда 5111000-Касб таълими (5110800-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси) таълим йўналишининг Давлат таълим стандарти эса Ўзстандарт агентлиги томонидан 2015 йил 6 мартда 5542-сон билан тасдиқланиб, институтга юборилганлиги (ДТС илова қилинади) ҳақида маълумот берди.

Унга асосан тасдиқлаш учун тақдим этилган лойиҳа билан ДТС нинг ўқув режасидаги фанлар бўйича соатларида айрим фарқлар аниқланди, яъни:

№	Фаннинг номи	1 вариант 2014 йил июнь ойида ўқув режа асосида				2 вариант 2015 йил май ойидаги ўқув режа асосида				Фарқи	Изоҳ
		Умумий юклама	Аудит.	Маър/сем	Муст.	Умумий юклама	Аудит.	Маър/сем	Муст.		
1	Ўзбекистон тарихи	116	58	28/30	58	116	54	36/18	62	-8/+12	
2	Хуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	116	58	28/30	58	116	54	36/18	62	-8/+12	
3	Чет тили	154	108	-/108	46	136	94	-/94	40	+14/-	
4	Жисмоний маданият ва спорт	118	72	-/72	46	114	74	-/74	40	-2/-	
5	Касбий психология	118	76	30/20/26	42	104	72	36/36	32	-6/-16/+26	
6	Қаламтасвир	166	96	-/96	70	200	148	-/148	52	-/52	
7	Рангтасвир ва композиция	324	190	-/190	134	222	186	-/186	36	-/+4	
8	Чизма геометрия	189	114	58/56	75	94	74	-	20	+40/-	
9	Чизмачилик	129	76	10/66	53	92	74	-	18	-2/-	
10	Информатика ва ахборот технологиялари	-	-	-	-	272	152	48/34/70	70	-48/-34/-70	

Информатика ва ахборот технологиялари фани янги ўқув режада 1-2-семестрга режалаштирилган бўлиб, ҳозирги 1-курс талабаларига эса бу фан 3 семестрда ўтилиши кўзда тутилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (таянч олийгоҳ) билан келишилган ҳолда 2015-2016 ўқув йили юкламаларини шакллантириш мақсадида ушбу йўналиш учун ўтилган фанларни ўтилди деб ҳисоблаб ва фанлар бўйича фарқ бўлиб қолган соатларни қўшимча ўтиш таклифи институтнинг илмий-услубий кенгашининг 2015 йил 27 майдаги 10–сонда муҳокама қилиниб институт институт Кенгашиига тасдиқлаш учун тавсия берилганлиги ҳақида маълумот берилди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Институт Кенгаши қарор қилади:

1. “5111000-Касб таълими (5110800-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси) таълим йўналишининг ўқув режаси ҳақида”ги масала юзадидан ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашевнинг** ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. 2015-2016 ўқув йили юкламаларини шакллантириш мақсадида шу йўналиш учун ўтилган фанларни ўтилди деб ҳисоблаб, фанлар бўйича фарқ бўлиб қолган соатларни тасдиқланган Давлат таълим стандарти ўқув режасига мослаш мақсадида қўшимча ўтиш таклифи маъқуллансин.

III. Конференция материалларини чоп этишга тавсия этиш ҳақида.

Эшитилди:

Институт илмий ишлар бўйича проректори **Э.Х.Исаковнинг** жорий 2015 йилнинг 9-10 июн кунлари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида **“Таълим, фан ва ишлаб чиқаришда интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ўрни”** мавзусида ёш олимлар, магистрантлар ва талабаларнинг XII аъъанавий Республика илмий-амалий конференцияси ўтказилиши режалаштирилганлиги ва конференция материаллари таҳрирдан ўтказилиб, тўпلام ҳолатига келтирилганлигини инobatга олиб ушбу конференция материаллари тўпламини чоп этишга тавсия этиш ҳақидаги институт Кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** маълумоти тингланди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Институт Кенгаши қарор қилади:

2015 йилнинг 9-10 июн кунлари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида ўтказилиши режалаштирилган **“Таълим, фан ва ишлаб чиқаришда интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ўрни”** мавзусидаги ёш олимлар, магистрантлар ва талабаларнинг XIII аъъанавий Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами чоп этишга тавсия этилсин

IV. “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи 2015” Республика танловига тавсия бериш ҳақида.

Эшитилди:

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти **“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси доценти доценти К.Ж.Рахимов** ва профессори **А.С.Ураловларнинг** 2013 йилда “Тафаккур бўстони” нашриётида Вазирлик грифи билан нашр этилган **“Шарқ мамлакатларининг боғ-парк санъати”** номли ўқув қўлланмаси **“Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи 2015”** Республика танловида қатнашиш учун тавсия бериш ҳақида институт Кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Институт Кенгаши қарор қилди:

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти **“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси доценти доценти К.Ж.Рахимов** ва профессори **А.С.Ураловларнинг** 2013 йилда “Тафаккур бўстони” нашриётида Вазирлик грифи билан нашр этилган **“Шарқ мамлакатларининг боғ-парк санъати”** номли ўқув қўлланмаси **“Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи 2015”** Республика танловида қатнашиш учун тавсия берилсин.

